

УЗГУМИ СТИМУЛЯТОРИНИ ҒЎЗАНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Ф.Р.Шамситдинов

NamMTI (катта ўқитувчи)

Аннотация Наманган вилоятини оч бўз тупроқлари шароитида, Гумин кислотаси ва макроэлементлар асосида яратилган Узгуми стимулятори билан чигитга экиш олдида мақбул муддат ва меъёрларда қўлланилганда ниҳолларнинг униб чиқиши ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши яхшиланиб, физиологик жараёнлари тезлашиш натижасида пахта ҳосили 2,8 ц/га ортишини таъминлади.

Калит сўзлар: *Найкл, Узгуми, стимуляторлар, чигитни униб чиқиши, ўсимлик бўйи, ҳосил шохи, шона, гул, кўсак, барг, пахта ҳосили.*

Кириш

Республикаимиз аграр соҳасида ислоҳатлар кўламини кенгайтириш иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, фермер хўжаликлари уствор хўжалик юритиш шакли сифатида самарали фаолият кўрсатишни таъминлаш ва бошқа йўналишларда тизимли ҳамда мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатлар натижасида республикаимиз ҳудудларида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти миқдори барқарор ўсмоқда. Аммо, аксарият деҳқон ва фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, етиштирилаётган хом ашё таннархини камайтириш, сифатини яхшилаш ҳисобига даромадни кескин кўпайтириш учун фойдаланилмаётган ички ва ташқи заҳиралар кўп. Бундай заҳираларни излаб топиб, улардан тобора унумлироқ фойдаланиш

ҳаракатини изчил йўлга қўйиш лозим. Маълумки, фермер ва деҳқон хўжаликлари ички ва ташқи бозорни озиқ- овқат маҳсулотлари билан таъминлашда асосий хўжалик субъектлари ҳисобланишади. Улар ўртасида аҳолига эртаги, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар етказиб бериш ҳаракати йилдан-йилга кучайиб бораётганлигини эътироф этиш керак. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, бу тоифадаги хўжаликларда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, сифатини яхшилаш, уларнинг етилиш ва пишиш муддатларини тезлаштириш орқали ички ва ташқи бозорга, халқимизга экологик соф маҳсулот, энг асосийси, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ҳаракати кенг қулоч ёйиш лозим. Бунинг учун тажрибаларда синалган ва ижобий натижалар берган, кенг қўламда қўлланилаётган биологик ва кимёвий воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Турли хил стимуляторлар билан кўпгина олимларимиз илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб борган булардан Қ.Мирзажонов, А.Имоммалиев, У.Мадраимов, Ш.Абдуалимов ва бошқалардир. Кўпгина адабиётлардан маълумки, ўсимликнинг баргида кечадиган фотосинтез жараёнида нооргоник моддаларнинг ёруғлик, иссиқлик, сув ва бошқалар таъсирида оргоник моддаларга айланиши дунёдаги барча жонзотлар учун кислород ва озуқа манбаи бўлиб ҳисобланади. Барг пластинқаси асосан ҳлоропложлардан иблат бўлиб, ҳлоропложлар ҳлорофилл доначалари баргга яшил рангни бериб туради. Барг ўз навбатида ёруғлик, сув ва илдиздан келаётган озук алардан фойдаланади.

Тажриба ўтказиш услублари

Янги уруғдори стимулятори биологик, физиологик фаол моддалар, NACIe препарати Бухоро-102 ғўза навидаги биологик самарадорлигини ўрганиш мақсадида, Наманган тажриба станциясининг, оч тусли бўз тупроқлари шароитида тадқиқотлар олиб борилди. Тажрибада стимуляторлар билан чигитга экиш олдида ишлов берилиб, назоратга нисбатан, Узгуми ва NACIe препарати таққослаб ўрганишни олдимизга мақсад қилиб олдик. Дала тажрибаларида фенологик кузатувлар ва ҳисоб-китоб ишлари ЎзПИТИда қабул қилинган “Дала

тажрибаларини ўтказиш услублари” [1] ва “Ўсимликшуносликда илмий тадқиқот асослари”. [2]. услубий қўлланмаларига мувофиқ олиб борилган. Тажриба даласи тупроғи азалдан суғориб деҳқончилик қилиб келинаётган механик таркиби оч тусли бўз тупроқ бўлиб шўрланмаган, ер ости сувлари сатҳи чуқурлиги (8-10 м) жойлашган. Балл бонитети 60 баллни ташкил этган дала майдонларида олиб борилди. Тажриба даласида тадқиқот ишлари 3 та вариантдан иборат бўлиб, 3 қайтариқда, 1 ярусда жойлаштирилди. Экиш схемаси 60x15-1 тартибда жойлаштирилди. Тажриба битта бўлакчасининг умумий майдони 312 м² (2,4 x 130 м), ҳисоб майдони 156 м² ни ташкил қилди (1,2 x 130 м).

Олинган натижалар

Узгуми стимулятори ғўзанинг ўсиши, ривожланиши жараёнларига таъсири амал даврида кузатилиб борилди. Ўтказилган тадқиқотларимизда Узгуми ва NacIe назорат вариантыга нисбатан ғўзанинг вегетатив ва генератив оргинларига таъсири ижобий эканлиги тадқиқотларимизда илмий томондан исботлаб берди И.Бобоҳўжаев, П.Узоқов [3] фикрича, гуминли стимуляторлар тупроқда гумус ҳосил бўлишида иштирок этади ҳамда унинг таркибидаги гумин ва фульво кислоталари, торф қолдиқлари ва ўсимлик учун фойдали ферментлар, микро ва макро элементлар таъсирида ўсимликнинг ўсиб ривожланиши ва физиологик жараёнларига ижобий таъсир этади. Ғўзанинг бўйи вариантлар бўйича (1.06) 13,3-14,7 см, чин барглари сони 4,9-5,6 донани ташкил этиб, назоратга нисбатан стимулятор қўлланган вариантларда ўсимлик бўйи 0,6-1,4 см, чин барглари сони 0,2-0,7 донага ортди. 1- июлда ғўзанинг бўйи 47,348,9 см, ҳосил шохлар сони 5,1-5,8 дона, шоналари 8,0-10,5 донани ташкил қилди. Стимуляторлар қўлланилган вариантларда назоратга нисбатан ўсимлик бўйи 1,6 см, ҳосил шохлари 0,3 дона, шоналар сони 0,2-2,5 донага ортганлиги аниқланди. 1 августдаги кузатувда ҳам аниқланиб, ўсимлик бўйи 78,8-81,4 см, ҳосил шохлар сони 9,9-10 дона, кўсақлар сони 6,0-8,4 дона, тугунчалар сони 1,9-2,5 донага тенглашди. Юқоридаги ҳолатини таҳлил қилиб чиққанимизда стимуляторларни аҳамияти илмий-амалий томонидан

барқарорлигини таъминлади. Ўсимлик бўйи назорат вариантыга нисбатан 1,6 см, ҳосил шохлари 1,5 дона, кўсаклар сони 1,9 дона, тугунчалар сони 0,5 донага кўпроқ шаклланганлиги кузатилди. М.Мамасолиев, Ш.Абдуалимов ва б. [4] Жиззах вилоятининг кучсиз шўрланган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида Узгуми стимулятори чигитга экиш олдидан 0,8 л/т, шоналаш-гуллаш даврларида 0,3-0,4 л/га меъёрларда ишлов берилганда ғўза ҳосилдорлиги 3,8 ц/га юқори бўлган. 1 сентябрда жами кўсаклар сони 7,5-8,5 донага тенг бўлди. Очилгани эса 4,8-5,5 донани ташкил этди. Назорат вариантыга нисбатан шаклланган кўсаклар сони 0,9 донага, очилган кўсаклар сони 0,3 донага тезлашганлиги кузатилди. Пахта ҳосилининг олинган натижаларни таҳлил қилиб чиққанимизда стимулятор қўлланилган вариантларда ғўза ҳосилдорлигини сезиларли даражада оширганлиги маълум бўлди. Назорат вариантыда 31,5 ц/га, Узгуми 34,3 ц/га, NaClе 31,6 ц/га ни ташкил этди. Назоратга нисбатан кўшимча ҳосил Узгуми 2,8 ц/га, NaClе эса 0,1 ц/га ни ташкил этди.

Хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Узгуми стимулятори экиш олдидан чигитга 0,7 л/т ва шоналаш-гуллаш даврларида 0,3-0,4 л/га сепилганда, назоратга нисбатан ғўзанинг бўйи 1,6 см, ҳосил шохлари 1,5 дона, кўсаклар сони 0,9 донага ортган ҳолда пахтадан кўшимча 2,8 ц/га ҳосил олишга эришилди..

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПТИ. Т.: 2007. 147 б
2. Шамситдинов, Ф. "Результаты опыта." Защита и карантин растений 5 (2003): 27-27.
3. Абдуалимов, Ш. Х., and Ф. Р. Шамситдинов. "Влияние применения стимуляторов роста на всхожесть семян, рост, развитие и урожайность хлопчатника в условиях светлых сероземных каменистых почв Наманганской области Республики Узбекистан." Актуальные проблемы современной науки 5 (2019): 47-51.

4. Абдуалимов, Шухрат Хамадуллаевич, and Фазлиддин Расулович Шамситдинов. "НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ҚИР АДирЛИ ТОШЛОҚ ЕРЛАРИДА ЯНГИ СТИМУЛЯТОРЛАРНИНГ ҒЎЗА БАРГ ЮЗАСИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ." Журнал Биологии и Экологии 1 (2019).

5. Abdullaev F. Effect of the Gumimax stimulant on the dry weight of cotton and fiber quality // The importance of introducing resource-saving agricultural technologies in caring for cotton and cotton complex crops, increasing soil fertility. Collection of articles of the international scientific and practical conference. UzPITI. - Tashkent, 2012. -B. 129-130.

6. Urmonovich, Numonov Otabek. "MANGOSTEEN NUTRITIONAL PRICE AND FUNCTIONAL PROPERTIES." ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ 14.5 (2023): 3-5.

7. Abdukhamidovich, Nasritdinov Akhmadzhon, Muhabbat Davlatova Urmanovna, and Numonov Otabek Urmonovich. "Strip Till Age of Soil for Deuteric Sowing (Second Crop)." International Journal on Orange Technologies 3.4 (2021): 71-74.

8. Мамасолиев М, Абдуалимов Ш.,Махсадов Х., Избасаров Б. Жиззах вилоятининг кам шўрланган тупроқлари шароитида Узгуми стимуляторининг ғўза ҳосилдорлигига таъсири // Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари. ТошДАУ ва ПСУЕАИТИ мақолалар тўплами 2-қисм. -Тошкент, 2015. -Б 328-330.